

Наргиза ИСЛОМОВА,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
магистранти

АЁЛНИ ЭЪЗОЗЛАШ – МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ ГУЛТОЖИ

Ўзбек халқининг мақтовга лойиқ қадриятларидан бири, у ҳам бўлса аёл - онани улуғлаш, унга эҳтиром кўрсатишидир. Шу сабабли доно халқимиз инсон учун Ватанни она билан қиёслаб “Она Ватан” деб атайдилар. Оналарни эъзозлаш, кадр-қимматини ўрнига қўйиб, бошга тож каби кўтариш ота-боболаримиздан қолган азалий мерос.

Шу боис, мустақиллигимизнинг сўнгги йилларида айниқса оналарга, аёлларга меҳр-муҳаббат, ҳурмат, уларни ижтимоий ҳимоялаш, жамият ҳаётидаги ўрнини юксалтиришга муносабат батамом ўзгарди. Юртимизда хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини мустаҳкамлаш борасида давлат аҳамиятига молик ишлар амалга оширилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралда “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. Мазкур Фармон юртимизда хотин-қизлар фаолияти борасидаги ишларни янги юқори босқичга олиб чиқди.

Она шу қадар улуғ ва қудратли зотки, у кўзга кўринмас улкан куч, меҳр-муҳаббат билан нафақат оиласи, фарзандларини балки, бутун инсониятни ўйлайди. Она ҳамиша ўзида бекиёс куч-қудрат топа оладиган ноёб қудрат эгаси. Шонли тарихимиз оналарнинг энг оғир ва қийин даврларда ҳам, қатағон ва қаҳатчилик йилларидан ҳам метин иродали ва меҳрибон, жасоратли ва самимий, довурак ва меҳнаткаш бўлиб азиз фарзандларини, она Ватанини асраб қолиш учун ҳаётини фидо қилишдан ҳам қайтмаганликларига гувоҳлик беради.

Атрофимизни ўраб турган табиатни ҳам халқимиз “она табиат” дея номлаганлар. Улар доимо бирга, бир-бирини эркалайди, ҳатто табиат ҳам онага озор бермайди, меҳрли бўлишда онадан ибрат олаётгандек кўринади.

Дунё халқлари ичида оналарни севиш, қадрлаш ва улуғлаш борасида ўзбекларнинг бошқаларга ўрнатилган фахрли жиҳатлари бор. Бу ажойиб ва бебаҳо фазилати билан ҳар қанча гурурлансак, фахрлансак арзийди.

Пойтахт Тошкент шаҳридаги мустақиллик майдонида ҳам “Бахтиёр она” ҳайкалининг

туриши халқимизнинг меҳнаткаш, мушфик, оқила, жасоратли оналаримизга ҳурмат ва эҳтиром рамзини изҳор этади. Бундан ўсиб келаётган ёш авлодлар муносиб тарбия топадилар ва аждодларининг оналарга бўлган миллий қадриятларининг бардавом бўлишига замин яратадилар.

Ўзбек онасининг ҳамиша меҳнатсеварлиги ва заҳматкашлигини ҳар қанча мадҳ этиб ардоқласа арзийди. У қийинчиликлар олдида тиз чўкмайди, уларни тоза, холис нияти ва меҳнати билан енгиб ўтади, эзгуликни бунёд этади.

Юртимизда қадимдан алломаларимиз она-аёл зотини таърифлаб, улуғлаб ва уларни мадҳ этиб дунё хазинасига арзугулик асарлар ёзганлар. Улар яратган асарларда оналарнинг мукамал тимсолини топиш мумкин. Жумладан, буюк Алишер Навоий уларга таъзим бажо келтириб, ҳурмат билан ўзбек халқининг мақолига айланган фикрни таъкидлайди:

*“Оналар оёғи остидадир,
Равзаи жаннати жинон боғи.
Равза боғи висолин истар эсанг,
Бўл онанинг оёғин тупроғи.”*

Инсон орзу қиладиган, бутун умри унга интиладиган жаннат ҳам оналарнинг оёғи остида экан.

«Инсон онасини, - деб ёзади шоира Анбар отин - ҳар нечук донишманд энагаси деб билурман, ул она шундоқ онадур ва моҳир донодурки, Афлотун, Лакуможис ва Дониёлни, Хизр ва Илёсни, Искандару Дорони, Лукмон ва Сулаймонни, Ибн Сино ва Улуғбекни, Жомий ва Саъдийни, Навоий ва Фирдавсийни, Бедил ва Хайёмни, Нодира ва Увайсийни, мени ва сени ўз корнида кўтариб, турли офатлардан сақлаб, еган ғизосидан расамат бериб, тўқсон тўққиз дардни тортиб, тутиб кўзимизни очиб, оламни кўриш қобилиятига даввору моҳир қилибдур».

Республикамызда хотин-қизларнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни мустаҳкамланиб,

уларга қатор имкониятлар яратиб берилмоқда. Улар ишлаб чиқариш, илм-фан, таълим, тадбиркорлик, тиббиёт, спорт, санъат каби соҳаларда катта ютуқларни қўлга киритмоқдалар.

Аёлларсиз ҳаётни, жамиятни, тараққиётни тасаввур қилиб бўлмайди. Улар жамиятнинг етакчи кучлари, тадбиркор, ишчи, олима, шифокор, меҳрибон ва оқила тарбиячи сифатида фаолият юритмоқда. Бугунги кунда ўзбек хотин-қизларимиз орасида жаҳон тарихида ўз номи, ўрни билан машҳур бўлган Тўмарис, Сарой Мулкхоним, Нодирабегим, Гулбаданбегим, Зебунисобегим, Жаҳон отин, Увайсий, Анбар отин, Зулфия, Саида каби машҳур шоира, олима аёлларимизнинг замонавий издошлари орамизда жуда кўп.

Жаҳон маданияти ва маънавияти ривожига улкан ҳисса қўшган Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Имом Бухорий, Аҳмад Фарғоний, Маҳмуд Қошғарий, Амир Темур, Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур каби юзлаб алломаларни дунёга келтириб, тарбиялаб берган ҳам заминимизнинг комила оналари ҳисобланади.

Давлат ва жамият қурилишида фаоллик кўрсатаётган хотин-қизларимизнинг меҳнатлари ҳукуматимиз томонидан юксак қадрланмоқда. Мустақиллик йилларида ҳалол меҳнат қилиб, жамиятимиз тараққиётига ўзининг муносиб улушини қўшган хотин-қизларимизнинг аксарияти ҳукуматимизнинг кўплаб орден, медаллари, турли мукофотлари билан тақдирландилар.

Ўзбекистонда она-аёл, хотин-қизларга эътибор жуда катта чунки юртимиз келажагини яратиб берувчи бунёдкор ёшларимизни дунёга келтириб, элпарвар, ватанпарвар комил инсон қилиб шакллантирувчи “БУЮК ТАРБИЯЧИ” оналаримизни эъзозлаш миллатимиз, халқимизнинг миллий қадриятларимиз гултожи даражасига кўтарилган.